



Сурияда христиан ва мусулмонлар ўртасидаги карама-каршиликлар узок давом этди. 1277-1281 йилларда мусулмонлар ички низоларни бартараф этиш ва мўғулларга карши курашиш билан банд бўлишди. Бу пайтда янги салиб юриштириши уюштирилса христианлар ютукка эришиши мумкин эди, лекин Европа суриялик христианларга ёрдам бермади. Куддус киролиги бу вақтда тахт учун кураш майдонига айланганди. 1286 йили Гугонинг ўгли кироли Генрих II Акрадан сицилияликларни кувди ва икки кироликни ўз қўл остида бирлаштирди. Сўнгги йилларда султон Куловун мўғулларга карши курашиш билан машгул бўлиб 1281 йилдан 1283 йилгача рицар орденлари билан бир канча битимлар тузди ва ўн йилу ўн ойу ўн кунга тинчлик сулхи имзолади.

Сулхни ким биринчи бўлиб бузгани номаълум, лекин султон 1285 йили Маъраба калъасига келди. Калъани христианлар ташлаб кетишган бўлиб, христиан ва мусулмонлар қўли билан вайрон этилганди. Яна сулх тузилди, лекин султон Лаодекия ва Триполис калъаларини забт этди. Папа Николай IV Мукаддас заминга келаётган хатардан каттик ташвишга тушиб Сурияда христиан ҳукмронлиги тугаётганини сизди. У Акрага кичик флот жўнатди, лекин кемалар етарли жихозланмагани учун киска муддатдан сўнг уларнинг кўплари Италияга қайтиб келди. Янги салиб юришига чакирик ҳам натижасиз бўлди. Триполис остонасида курашаётган генуяликлар савдо-сотик имтиёзлари олиб Миср билан дўстлик битими тузишди. Бир вақтнинг ўзида Рим курияси ва неаполлик Анжуй сулоласи душманлари бўлган Арагон кироллари оиласи вакили Альфонс III ва унинг акаси Яков Сицилийский султон Куловун билан мудофаа иттифоқи тузишди.

Бу вазиятда мусулмонлар Куддус киролигининг қолдиқларини йўқотиш учун ҳаракатларини тезлатдилар. 1289 йил султон Кипр ва Куддус кироли Генрих II га икки йиллик тинчлик муддати берди. Лекин христианлар бу муддат тугашидан олдин ўзлари Сурия сохилларидан кетиш йўллариини излай бошлашди. Кипр гарнизони жангчилари ёки папанинг ёлланма қўшини қўшни мусулмон манзилгоҳларга ҳужум қилиб тинчликка раҳна солишди. Бундан газабланган Куловун христианларга карши уруш эълон қилди.

Акра ўша пайтда энг чироойли шаҳарлардан бири эди. Бу ердаги кизгин савдо дунё бойликларининг ярмини тўпларди. Куловуннинг режаси Акра аҳолисини саросимага

солиб кўйди. Бирок патриарх Николай Иерусалимский нуткидан сўнг фукаралар ва ёлланма кўшин охирги томчи кони колгунча “Дарвозалари Мукаддас заминга элтувчи Аккон шахрини” химоя қилишга ваъда берди. Улар Европадан ёрдам сўрашди. Рицар орденолари Гарбдан мадад олишди: Кипр ва қўшни сохилбўйи шаҳарларидан харбий гуруҳлар келди. Хаммаси бўлиб 20 мингдан ортиқ жангчи тўпланди. Бу қўшин билан калъани химоя қилиш мумкин эди. Лекин калъа химоячилари тартиб-интизомга риоя қилишмасди. Калъа химоячиларининг ягона қўмондони йўқлиги ҳам улар орасида якдиллик бўлмаганининг асосий сабабларидан бири эди. Ёш кирол Генрих II камалнинг бошидан охиригача Кипрда бўлди. Химоянинг умумий режаси ишлаб чиқилди, лекин тамплиерлар, госпитальерлар, пизаликлар ва венецияликлар, Сурия ва Кипр, Англия ва Франциянинг рицарлари фақат ўзларига қулай бўлган ҳоллардагина ҳаракат қилишди. Хатто оддий аскарлар ҳам ўзбошимчалик қила бошлашди.

Султон Куловун уларга қарши зимдан тайёргарлик олиб борди. У факихларни тўплаб христианлар сулҳни бузганликларини тушунтирди ва жанг қилиш мусулмонлар учун мукаддас бурч эканини маълум қилди.

1290 йил кузида султон йўлга тушди, лекин йўлда касалланиб 1290 йил 19 ноябр куни вафот этди. Бирок султоннинг ўлими христианларга ҳеч қандай фойда келтирмади. Куловуннинг ўғли ва вориси Малик Ашраф отаси бошлаган ишни охирига етказишни хоҳларди.

1291 йил мартда мусулмон қўшинининг илгор бўлинмалари Акра остонасига етиб келди. Апрель бошида улкан қўшин билан султоннинг ўзи ҳам етиб келди. Қўшинда 92 та камал машинаси бор эди. Жанг шаҳар дарвозалари рўпарасидаги очик майдонда кичик тўқнашувлар билан бошланди. Тамплиерлар вазиятни тўғри баҳолаб ўзларидан қучли бўлган султон қўшини билан сулҳ тузишга уринишди. Лекин музокаралар олиб боришнинг иложи бўлмади.

4 май куни камал қилинган шаҳарга кирол Генрих II ва унча кўп бўлмаган кипрлик ёрдамчи қучлар келди. 5 майдан бошлаб мусулмонлар шаҳарни ўққа тутиб ёппасига ҳужум бошлашди. Жанг бир неча кун давом этди. Акранинг бой аҳолиси яқинлари билан қимматбаҳо мол-мулкларини олиб шаҳарни ташлаб Кипрга кета бошлади. 15 майдан 16 майга ўтар кечаси эса кирол Генрих II ўзининг қўшини ва унга қўшилган 3 минг кишилик қочоқлар билан Кипрга келди. Бу қочоқлик учун кирол муҳокама қилинди, лекин унинг касалмандлиги ҳисобга олиниб кечирилди. Гарнизонда қолганлар 12 мингдан 13 минггача кишини ташкил қиларди.

16 май куни мусулмонлар яна ҳужумга ўтишди. Калъа деворининг бир қисми бузилди ва мусулмонларнинг хайкириги эгалланган шаҳарнинг ярмида эшитила бошланди. Лекин христианлар бор қучларини тўплаб мусулмонларни шаҳардан чиқариб юборишди ва бузилган деворни тош ва бошқа тўсиклар ёрдамида беркитишди. Шунга қарамай калъани химоя қилиш ўта мушкул эди. Салибчилар буни англаб 17 май куни Кипрга оммавий чекинишни маслаҳат қилишди. Лекин кемалар етишмагани учун охиригача қутишга қарор қилишди. Сўнгги жангдан олдин христианлар ибодат қилиб олишди.

18 май куни мусулмонлар ёппасига ҳужум бошлашди. Калъа химоячилари бир неча бор уларнинг ҳужумини қайтаришди, лекин босимни кўтара олишмади. Мусулмонлар шаҳарга қиришди. Қурол кўтариб қаршилиқ қилганларни ўлдириб, аёл ва болаларни эса асирга олишди. Айрим кишиларгина кемаларга чиқиб қочишга улгуришди. Лекин денгизда тўфон кўтарилиб одамлар билан лик тўлган кемалар чўка бошлади. Бир неча минг христиан шаҳарнинг гарбида денгиз бўйидаги жойлашган тамплиерларнинг қучли калъасига

яширинди. У ерда бир неча кун музокаралар ва жанглар давом этди. Камалдагиларнинг айримларигина денгиз оркали кочишга эришишди, колганлар эса жангни давом эттиришди. Муслмонлар шаҳарни тўлик эгаллашди ва уни ёкиб ер билан текислаб ташлашди.

Бу калъанинг халокатга учраши Сурияда христианлар ҳукмронлигининг якунланганини билдирарди. Акрадан жанубда яна бир неча тамплиерларнинг калъалари колган бўлса-да, урушни давом эттириш фойдасиз эди. Муслмонлар галабасидан хабардор бўлган христианлар у ерларни тарк эта бошлашди. Акра кулаган 18 майдан сўнг орадан бир неча ҳафта ўтгач, европаликлар Сурия сохилларини бутунлай тарк этишди.

Христианлар Акра кулашидан каттик изтироб чекишди. Папа Николай IV янги салиб юришига тарғиб килди, лекин у қўшин йиғишга муваффақ бўла олмади. Факатгина 1301 йили бир неча бадавлат генуяликлар кичик флотни куrolлантиришди. Улар Мукаддас заминни эгаллашга сафарбар этилгандилар, бироқ юриш христиан манзилгоҳларини талаш ва яхудийларни таъкиб килишдан иборат бўлди.

Алишер Кодиров

"Шаркнинг машхур сулолалари" китоби